



ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!



Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir



Ўзбекистонда sog`liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, uzss@yandex.ru • 2011 йил, 30 декабрь • № 52 (865)

2012 ЙИЛ – МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ



«АЖОЙИБ ЮРТИНГИЗ МАФТУНКОРЛИГИ...»

Лю ЦИАНЬ,
Хитой Халқ Республикаси Соғлиқни сақлаш
вазирининг ўринбосари:

– Аввало, ўзбек халқи ўзининг доно ва оқил раҳнамоси бошчилигида мамлакатнинг буюк келажагига мустаҳкам пойдевор яратганлигига амин бўлдим. Айниқса, «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» мавзuidaги халқаро симпозиумнинг нуфузли даражада ўтганлиги Ўзбекистон тиббиётининг жаҳонда ўз ўрнига эга эканлигини яққол кўрсатди. Симпозиум олди бир неча тиббиёт мусассаларида бўлганимда улардаги шарт-шароитлар, шунингдек, халқаро андозаларга мослиги ҳамда мутахассисларнинг билим ва тажрибаси мени жуда хурсанд этди. Эътирофлиси шундаки, мамлакатингиз раҳбарининг она ва бола муҳофазасига қаратган улкан ғояси Ўзбекистоннинг келажаги порлоқ эканлигидан далолат бериб турибди. Мен ана шундай ажойиб юртининг гўзаллиги ва маънавий бойлигига ҳамда меҳнатсевар, қалби пок ва самимий инсонларига ҳавасим келди.

Ҳожар Ал ҲОСАНИЙ хоним,
Бирлашган Араб Амирликлари Соғлиқ вазирининг
Она ва бола саломатлиги департаменти директори:

– Серқуёш юртингизда она ва бола саломатлигига, қолаверса тизимдаги барча йўналишларга қаратилган эътибор ва ғамхўрлик таҳсинга сазовор. Албатта, бундай долзарб мавзудаги симпозиумнинг дунё миқёсида илк мартаба ташкил этилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ўз халқига бўлган жонқуярлиги ва меҳрибонлигини ифода этиб турибди. Бунинг исботи сифатида айтишим жоизки, симпозиумнинг очилиш маросимида давлатингиз раҳбарининг маърузасини тинглаб, она ва бола соғлигига қаратилган катта эътибор амалда ўз ифодасини топганлигининг гувоҳи бўлдим. Пойтахтингиздаги Перинатал ва болалар шифохоналарида бўлганимда замонавий биноларнинг ташқи ҳамда ички кўриниши, сўнгги русумдаги тиббий технологияларнинг мавжудлиги, бунинг баробарида она-болалар учун яратилган шароитлар бизни қувонтирди. Шунингдек, симпозиум доирасида ўтказилган давра йиғилиши, секция мажлиси ва маҳорат мактабларининг ҳамроҳанг тарзда олиб борилганлиги оналик ва болалик муҳофазаси бўйича глобал миқёсда амалга оширилаётган ишларнинг нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсата олди. Хулоса сифатида айтмоқчиманки, ўтказилган симпозиум давлатлараро ҳамкорлик ришталарини боғлаш билан бир қаторда, тиббиёт тизимида ўзаро тажриба алмашишда катта имконият яратди.



Ислохот одимлари

ТИЗИМДАГИ САМАРАДОРЛИКНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧЛАРИ

Эътирофлиси шундаки, ўтган 2011 йилда барча соҳаларда диққатга сазовор ишлар амалга оширилиб, самарали натижаларга эришилди. Ҳар йилнинг ўзига хос ном билан аталиши фаолиятдаги ишлар кўламини янада кенгайтириб, жамият тараққиёти юксалишида муҳим ўрин тутди. Шундай экан, бошқа соҳалар каби мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди. Мазкур йилда тизимда олиб борилган фаолиятларга ойдинлик киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Илҳомович Икрамов билан суҳбатда бўлдик.

– Адҳам Илҳомович, маълумки, тизимда ҳар йили ижобий натижаларга эришиб келинмоқда. Шундай экан, мазкур йилда Ўзбекистон тиббиётининг ютуқлари хусусидаги фикрларингиз қандай?

– Ҳар йилнинг Президентимиз томонидан номланиши чуқур маънога эга бўлиб, унинг замирида инсон ва унинг манфаатлари ётади. Дарҳақиқат, бу барчамизга катта масъулият юкляб, янада иштиёқ билан ишлашга ундайди. Ўтаётган йилимизда барча соҳалар каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам улкан ўзгаришлар бўлди. Аввало, тизимда амалга оширилаётган ислохотлар инсон учун, унинг манфаати, турмуш фаровонлигини таъминлаш ва албатта, соғлом яшашига қаратилгандир. Шундай экан, замонавий ҳамда халқаро андозалар даражасидаги тиббий хизмат тизимини барпо этиш, соҳада олиб борилган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Айтишим муҳимки, истиқлолимизнинг ўтган 20 йили ичида соғлиқни сақлаш тизимининг меъёрий-ҳуқуқий негизларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 14 та Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 га яқин Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 100 дан ортиқ қарори қабул қилинди. Республикада 1990-1998 йилларда соғлиқни сақлашнинг миллий модели асосларини шакллантириш босқичида бир қатор ишлар амалга оширилган бўлса, кейинги босқичда давлатимиз раҳбарининг 1998 йилдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислохот қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-2107-сон Фармони билан Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислохот қилишнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилинди. Стратегик аҳамиятга эга ушбу ҳужжатда тиббий хизматнинг миллий моделини босқичма-босқич шакллантириб бориш билан бирга, унинг устувор йўналишлари изчил ва аниқ баён этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислохот қилиш янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги ПФ-3923-сон Фармони ва 2 октябрдаги "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-700-сон Қарори билан соғлиқни сақлашнинг ривожлантириш, бирламчи тиббиёт бўғинида, туман ва вилоят миқёсида туб ўзгаришларни амалга ошириш, ихтисослаштирилган хизматни янада такомиллаштириш, соҳани ислохот қилиш ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада оширишга қаратилди.

Юқорида таъкидлаганингиздек, мазкур йилимизда эришган муваффақиятларимизда соҳага оид қабул қилинган меъё-

рий ҳужжатларнинг амалдаги ижроси бўйича олиб борилган изчил фаолиятлар туфайли самарали натижаларга эришилди.

– Кувонч билан айтиш жоизки, тиббиётнинг ҳар бир йўналишида ўзига хос муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Шу жумладан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида ҳам эришилаётган ютуқлар бун-

самарали натижаларга эришилди. Хорижий инвестиция лойиҳалари доирасида туғруқ муассасалари замонавий тиббий асбоб-ускуналар, диагностика ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йилдаги ПҚ-1096-сон ва ПҚ-1144-сон Қарорлари ижроси бўйича 2009 йилнинг июнь ойидан ҳозирги кунгача "Фертил ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар ва болаларни соғломлаштириш" ҳафталиклари доирасида тиббиёт олий ўқув юртлари, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли тиббиёт муассасаларининг малакали мутахассислари томонидан республиканинг барча шаҳар, туманла-

ки, 2011 йилдаги асосий муваффақиятларимиздан бири 25-26 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ташаббуси билан Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она – соғлом бола" мавзусида Халқаро симпозиум ўтказилди.

Нуфузли анжуманнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов нутқ сўзлаб, куйидаги фикрларни билдирди: "Бизнинг тажрибамиз соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар доимий ва узлуксиз жараён эканидан далолат беради. Шу кунларда биз ислохотларнинг янги босқичи билан боғлиқ вазифаларни амалга оширишга киришдик".

саларида фаолият юритаётган соҳа вакилларининг машаққатли меҳнатлари ортидаги ютуқлари деб биламан.

Шунингдек, Ўзбекистон Буюк Британиянинг «Save the children» («Болаларни асрайлик») халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта гамхўрлик кўрсатилаётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилиб, 161 та давлат ичида 9-ўринни эгаллаганлиги ҳам ислохот жараёнлари изчиллик билан амалга оширилаётганлигидан далолатдир.

– Адҳам Илҳомович, албатта, тиббиётимизнинг ҳар бир йўналишини сарҳисоб қиладиган бўлсак, муваффақият борасида улар бир-биридан қолишмайди...

– Ҳа, фикрингизга қўшиламан. Соҳанинг ҳар бир йўналишида янги ютуқларга эришиб келаётганлигимиз, бу албатта, ислохот жараёнларининг изчиллик билан олиб борилганлигидан деб биламан. Шундай экан, собиқ Иттифоқ даврида кўп харажатли ва улкан структурага эга бўлган 5 поғонали бирламчи тиббий-санитария бўғини ўрнида замонавий ва ихчам, 2 бўғинли қишлоқ врачлик пункти ҳамда туман (шаҳар) марказий шифохонасидан иборат тизим ташкил этилди ва бирламчи тиббиётнинг миллий модели яратилди.

Барчамизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сон Фармони билан республикада ягона шошилинч тиббий ёрдам тизими барпо этилди – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, унинг вилоятлардаги 13 та филиаллари, шаҳар ва туман марказий шифохоналарида 171 та бўлимлари ташкил этилди ва фаолият кўрсатмоқда.

Республикада мавжуд эпидемик барқарорликни таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида қатор йиллар давомида республика аҳолиси ўртасида полиомиелит, дифтерия, қоқшол касалликларни умуман рўйхатга олинмаётганлигини таъкидлаш муҳим. 2002 йилда Ўзбекистон полиомиелит вирусидан ҳоли ҳудудлиги тўғрисида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сертификатига эга бўлди. 2010 йил ва 2011 йилнинг 6 ойи давомида 6 та раунддан иборат полиомиелитга қарши Миллий эмлаш кунлари ўтказилди.

Агар республика соғлиқни сақлаш тизимининг ҳар бир йўналишидаги самарали ишларга чуқур ёндошадиган бўлсак, ўтган давр мобайнидаги фаолиятлар кўлами кенглигига яна бир бор амин бўлаемиз.

Эътироф билан айтишим жоизки, тизимда эришаётган барча ютуқларимиз Президентимиз томонидан соҳага қаратилган эътибор ҳамда халқимизга бўлган гамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Бу амалдаги муваффақиятларимизда тиббиёт ходимларимиз билан ҳамкорликда иш олиб борган кенг жамоатчиликнинг ҳам ҳиссаси бор, албатта. Юртбошимиз Янги йилни «Мустақкам оила йили» деб эълон қилган эканлар, бу борада ҳам халқимиз билан ҳамжиҳатликда фаолият юритиб, олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимизни амалга оширишда астойдил хизмат қилганимиз. Республикаимизнинг тиббиёт муассасаларида ўз касбини чин дилдан ардоқлаб, халқимиз соғлиги йўлида меҳнат қилиб келаётган соҳа мутахассисларини ҳамда азиз халқимизни Янги 2012 йил билан табриклайман. Келгусидаги ишларига зафарлар, ўзларига соғлиқ-омонлик ҳамда оилавий хотиржамлик тилаб қоламан.

Суҳбатдош
Ибодат СОАТОВА.




дан мустасно эмас. Бу тўғридаги фикрларингиз?

– Фахр билан тилга олишим жоизки, давлатимизнинг сиёсий устувор йўналишларидан бири бўлган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб, Президентимиз ва давлатимиз томонидан соғлом авлодни дунёга келтириш ҳамда ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом ва ақлан етуқ бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароит ҳамда имкониятлар яратилмоқда. Оналар ва болаларга ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология ҳамда педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказлари, акушерлик ва гинекология марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё ҳамда Наманган вилоятларидаги филиаллари, шунингдек, барча ҳудудларда болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Республика перинатал маркази ҳамда вилоят, шаҳар перинатал марказлари ташкил этилиб, улар замон талаблари даражасида янги технологиялар ҳамда зарурий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланган. Шунингдек, республика миқёсида болалар насли ва туғма касалликларининг олдини олиш мақсадида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган Республика скрининг маркази ва унинг вилоят филиалларининг изчил фаолиятлари боис,

рида ва қишлоқ врачлик пунктларида туғиш ёшидаги аёллар ва болалар йилига икки марта тиббий кўриқдан ўтказилиб, даволаш ва соғломлаштириш тадбирлари олиб борилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлда қабул қилинган "Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш вазифаларини бажаришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу ҳужжатга биноан умумий қувватлантурвичи махсус поливитамиинлар харид қилиш учун Давлат бюджетидан 8 миллиард сўм ажратилди. Шу тариқа, Ўзбекистон дунёда биринчилардан бўлиб, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш учун уларни поливитамиинлар билан бепул таъминлашга эришди. Бугунги кунда республикада миллионлаб ўқувчилар спортга жалб этилиб, тизимда бу борада муайян фаолиятлар амалга оширилиб, вазирлик томонидан махсус услубий қўлланма ишлаб чиқилди. Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилган ислохотлар натижасида эришилган ютуқлар халқаро ташкилотлар томонидан юқори даражада баҳоланиб, 2007 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ўзбек миллий тиббиёт модели бошқа мамлакатларга намуна деб тавсия этилди.

Алоҳида гурур ва ифтихор билан таъкидлашим мумкин-



Йил сарҳисоби

СОҲАДА ЭРИШИЛГАН МУВАФФАҚИЯТ ВА НАТИЖАЛАР

Юртимизда ўтаётган ҳар бир йилни сарҳисоб ҳамда фаолиятларни танқидий ва ижобий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, қолаверса эришилган муваффақият ва камчиликларни ўрганиш, бу борада мақсадли режалар тузиб, келгуси йил учун мустаҳкам пойдевор тайёрлаш яхши анъанага айланган. Ҳар йилимизнинг ўзига хос ном билан аталиши, шунингдек, унинг замирида давлатимиз тараққиёти ва ривожланишининг муҳим асоси мужассамлигини соғлиқни сақлаш тизими йўналишидаги амалий фаолиятлар негизда ҳам кузатишимиз мумкин. Мазкур йўналишда газетамиз саҳифаларида йилнинг энг муҳим воқеа ва янгиликлари чоп этиб келинди. Жорий йилда тизимда эришилган муваффақиятларнинг қисқача мазмун ва моҳиятини эътиборингизга ҳавола этамиз.

1. 2011 йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида 2010 йилда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш ва ушбу тизимда сифат ўзгаришларини амалга оширишни таъминлаш борасидаги ютуқли ишларга атрофлича тўхталиб, ўзларининг эътирофли фикрларини билдириб ўтдилар.

2. 2011 йилнинг 25-26 ноябрь кунлари «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» мавзусидаги халқаро симпозиум юқори даражада бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган ушбу нуфузли халқаро симпозиумда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси каби халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, АҚШ, Россия, Канада, Хитой, Буюк Британия, Италия, Германия, Испания, Франция, Швейцария, Финляндия, Чехия, Ҳиндистон, Дания, Жанубий Корея каби қирққа яқин

лари, қолаверса, барча иштирокчилар томонидан эътироф этилди.

Мазкур нуфузли даражадаги халқаро симпозиумда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Чен хоним ҳам қатнашди.

Симпозиум доирасида "Европа минтақасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича устувор вазифалар" мавзусидаги давра йиғилиши, шунингдек, маҳорат мактаблари ва секция мажлиси ишлари ҳам олиб борилди.

3. Фахр билан айтиш жоизки, мустақиллик йилларида Ўзбекистон тиббиёти кўплаб муваффақиятларга эришиб келмоқда. 2011 йилнинг сентябрь ойида ана шундай қувончли хабарлардан яна бири жаҳонга кенг тарқалди. Ўзбекистон Буюк

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза вазирлиги ўртасида, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза вазири Адҳам Икрамов ва Корея Республикаси Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза вазири Чин Со Хи томонидан икки томонлама меморандум имзоланди. Бунинг баробарида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва Корея Республикасининг Кюнг Хи номидаги университети ўртасида ҳам ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси билан



шира», «Энг намунали оилавий поликлиника», «Энг намунали қишлоқ врачлик пункти» кўриктанлови бўлиб ўтди. Улар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус диплом, қимматбаҳо совғалари – «Дамас» автомашинаси (1 дона), «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочили» кўкрак нишони, шунингдек, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси марказий Кенгашининг эсдалик ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

7. Мазкур йилда «Меҳрури» жамоат жамғармаси томонидан Тошкент шаҳар 5-болалар шифохонаси, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази даволаш бўлими ва Республика онкология илмий марказининг болалар бўлими тубдан таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

8. Жорий йилнинг 28 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Андижон вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси марказий Кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий Кенгаши ҳамкорлигида «Ҳамшира – 2011» республика кўриктанловининг якуний босқичи Андижон вилоятида бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган республика кўриктанловининг якуний босқичига етиб келган 14 нафар ҳамшира қизлар тадбирнинг бешта шарти бўйича ўзаро беллашиб, касбий маҳорат ва билимларини намойиш этдилар.

9. 2011 йил 1 июль куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кат-

та мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг республикада болаларнинг ёзги дам олишларини ташкил этиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш, тизимли равишда мониторинг ва назорат қилиш бўйича Мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Абдулла Арипов иштирок этди. Мазкур видеоселектор йиғилишида муҳим масалалар кўрилди.

10. Жорий йилнинг 5 октябрида «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди.

11. 2011 йилнинг 27-28 октябрь кунлари пойтахтимизда шошилинч тиббий ёрдам врачлари ассоциациясининг II сьезди бўлиб ўтди. Нуфузли анжуманда иштирок этган хорижлик мутахассислар республикамизда шошилинч тиббий ёрдамнинг ягона модели яратилганлигини эътироф этдилар.

12. 2011 йилнинг 27 октябрь куни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг катта мажлислар залида Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим, Адлия, Ички ишлар вазирликлари ва «IST TELEKOM» МЧЖ ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамкорлигида «Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш омиллари» мавзусида телемулоқот бўлиб ўтди. Телемулоқот давомида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртлири, коллеж ва лицей ўқувчи-ёшлари ўз ҳудудларидан тўғридан-тўғри республика экспертлар гуруҳига савол бериш ва жавоб олиш имкониятига эга бўлдилар.

13. «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида аҳолига янада сифатли тез тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида республикамиз тиббиёт муассасаларининг тез ёрдам бўлимларига 58 та «Дамас» автомашинаси тақдим этилди. Мазкур тез ёрдам машиналари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фармойишига асосан жойларга етказилди.

Ибодат СОАТОВА тайёрлади.



мамлакатдан ташриф буюрган соғлиқни сақлаш вазирликлари раҳбарлари, тиббиёт соҳасида жаҳонда тан олинган машҳур олимлар, халқаро эксперт ва таҳлилчилардан иборат қарийб 300 нафар мутахассислар иштирок этдилар. **Алоҳида таъкидлаш муҳимки, кенг доирада ўтказилган ушбу анжуман халқаро ташкилотлар, соҳанинг жаҳонда тан олинган машҳур олим-**

Британиянинг «Save the children» («Болаларни асрайлик») халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилаётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилиб, 161 та давлат ичида 9-ўринни эгаллади.

4. Жорий йилнинг 23 август куни вазирлиқнинг мажлислар залида Ўзбекистон Республика-

жорий йилнинг 24-30 июль кунлари республикамиз миқёсида бўлиб ўтган «Саломатлик ҳафталиги» доирасидаги «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остидаги тадбирда республика бўйича 100621 нафар фуқарони тиббий кўриқдан ўтказилди. Мазкур тадбирга 11 йўналишдаги (терапевт, хирург, травматолог, невропатолог, уролог, педиатр, офтальмолог, ЛОР, эндокринолог, кардиолог, УТТ мутахассислари) соҳа бўйича республикамизнинг етакчи клиникалари, олий ўқув юртлирининг таниқли олимлари, тиббиёт фанлари докторлари, доцент ва профессорлардан иборат жами 143 нафар мутахассислар сафарбар қилинди. Уларга вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаларининг тегишли соҳа бўйича 150 нафар бош мутахассислари бириктирилди.

6. Ҳар йилги анъанага мувофиқ ноябрь ойининг иккинчи яшанбаси, яъни Тиббиёт ходимларининг касб байрами куни Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида «Энг яхши умумий амалиёт шифокори», «Энг яхши патронаж ҳам-



Хайъат йиғилиши

ФАОЛИЯТЛАРДАГИ ЯКУНИЙ ХУЛОСАЛАР

Жорий йилнинг 23 декабрь куни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мажлислар залида навбатдаги хайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Икрамов кириш сўзи билан очиб, йил давомида тизимда амалга оширилган ишларга атрофлича тўхталиб, бу борада эришилган ютуқларга алоҳида урғу бериб ўтди. Айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, бирламчи тиббий санитария ёрдами, ихтисослаштирилган, скрининг ва перинатал ҳамда илмий-амалий тиббиёт марказларининг самарали фаолияти боис, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатининг ошириб бораётганлигини таъкидлади. Шунингдек, 2011 йил давомида режалаштирилган вазифалар бўйича ижобий ютуқлар қўлга киритилганлиги ва бу борада ўз меҳнатлари билан муносиб ҳисса қўшган тиббиёт ходимларининг муносиб хизмати борлигини айтиб, барча иштирокчиларни Янги йил билан самимий қутлади.

Кун тартибидан ўрин олган асосий масалалар бўйича вазирлиқнинг мутасадди раҳбарлари маъруза қилдилар. Биринчи масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биринчи ўринбосари Анвар Алимов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада такомиллаштириш чора-тад-

бирлари тўғрисида»ги Қарори мазмун-моҳияти ва 2011 йилнинг 13 декабрь куни Вазирлар Маҳкамаси томонидан селектор йиғилишида Соғлиқни сақлаш вазирлигига 2012 йилда қўйилган вазифалар тўғрисида ўз фикрларини билдириб ўтди. Тизимда амалга оширилган самарали ишлар билан бир қаторда, бажарилиши муҳим бўлган фаолиятларга янада жиддий ёндошув зарур эканлигини ҳам алоҳида таъкидлади. Иккинчи масала юзасидан «Саломатлик-2» ва Осиё тараққиёт банкининг «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаларини амалга ошириш марказий бюросининг директори Жамшид Жабриев Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 октябрдаги 1213-сонли Қарорининг ижроси, жумладан, «Саломатлик-2» ва Осиё тараққиёт банкининг «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича маъруза қилиб, эришилган ютуқлар ҳамда истиқболли режалар хусусида атрофлича тўхталди. Учинчи масала бўйича вазирлиқнинг Фан ва ўқув юртлири бош бошқармаси бошлиғи Шухрат Атаханов тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳолати тўғрисида ўз фикрларини билдириб, олий ўқув юртида тайёрланаётган кадрлар масаласи, шунингдек, мутахассислар малакасини оши-

риш ҳамда илмий йўналишда олиб борилаётган фаолиятларга урғу қаратди.

Тўртинчи масала юзасидан вазирлиқнинг Кадрлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Темур Ҳакимов захира кадрларни танлаш, шакллантириш ва бўш (вакант) лавозимларига тайинлаш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш бўйича қилинган ишлар, келгусидаги режалар тўғрисида тўхталди. Йиғилиш иштирокчиларига Тошкент врачлар малакасини ошириш институтини соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш, бошқариш ва молиялаштириш кафедрасида раҳбарлик фаолияти бўйича малакасини оширган мутахассисларнинг ўқиш давридаги видеороликларини намойиш этилди.

Бундан ташқари, тиббиёт мутахассисларини хорижий мамлакатларда малака ошириши, қайта ўқитиш ва стажировкаларга юборилиши, соғлиқни сақлаш соҳасида халқаро грантларнинг жалб қилиниши, Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил инвестиция дастури доирасида олиб борилган қурилиш ва реконструкция ишлари ҳақида ҳамда инвестицион дастур асосида тиббиёт асбоб-ускуна ва жиҳозларининг келтирилиши, жойлаштирилиши ва улар ҳисоб-китобининг олиб борилиши, 2011 йилда республика аҳолисини флюорографик текширувларнинг ўтказилиш ҳолати, олимпиада ўйинларига тайёрганлик, ДПМларда захира озик-овқат маҳсулотларининг тайёрланиши, Ўзбекистон Республикаси



Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 ноябрдаги 07/1-178-сонли топшириғига асосан, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишига тайёргарлик кўриш мақсадида вазирлиқнинг 2011 йил 30 ноябрдаги 1647-сонли фармойиши ижроси, Янги йил байрами арафасида РШТЎИМ ва вилоят филиалларининг тайёргарлиги ҳамда Қора-

қалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Андижон, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятлари соғлиқни сақлаш бошқармалари, вилоят ҳокимликларининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари билан ҳамкорликда ҳудудлардаги тиббиёт коллежларида қилинган ишлар бўйича вазирлиқнинг мутасадди раҳбарлари маълумот бериб ўтдилар.

Йиғилиш сўнггида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Икрамов мазкур йилимиз тизимда муваффақиятли ақунланганлигини, шу жумладан, халқаро симпозиумнинг нуфузли даражада ўтказилишида ўз ҳиссаларини қўшган соҳа мутахассисларига миннатдорчилигини билдириб, Юртбошимиз томонидан Янги йилимизнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши ишларимизнинг янада бардовом бўлишида муҳим аҳамият касб этишини айтиб, иштирокчиларни кириб келаётган 2012 йил билан самимий қутлади.

Ибодат СОАТОВА.

Болалар саломатлиги ҳафталиги

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗИЛДИ

Жорий йилнинг 19-24 декабрь кунлари республикамиз миқёсида «Болалар саломатлиги ҳафталиги» бўлиб ўтди. Таъкидлаш муҳимки, махсус сертификатларга эга мутахассислар барча меъёрий қоидаларга риоя қилган ҳолда 6 ойдан 5 ёшгача бўлган болаларга А витаминини томиздилар. Мазкур тадбир навбатдаги 17-тур бўлиб, амалдаги режалар барча ҳудудларда тўлиқ бажарилди.

Шу жумладан, Хоразм вилоятида ҳам ушбу ҳафталик уюшқоқлик билан ўтказилиб, мазкур ёшдаги болалар кенг қамраб олинди.

– Фарзандларимиз миллатимиз келажаги экан, бундай мақсадларда эзгу ниятли ишларни олиб бориш ҳар биримизга катта масъулият юклайди. Қачонки, оила тинч, она ва бола соғлом бўлсагина, жамият тараққиёти, қолаверса, юртимиз равнақи кўтарилиб, биз орзу қилган келажагимиз давомчилари бўлган фарзандларимиз учун катта имконият эшиклари очилиши табиий. Шундай экан, улар саломатлигини асраш тиббиёт ходимлари олдига юксак вазифа юкляётганлиги шубҳасиздир. Дарҳақиқат, соғлиқни сақлаш тизимида мазкур йўналишларга қаратилган тадбирларнинг ўз вақтида ўтказилаётганлиги ҳам бундан мустасно эмас.



Куни кеча ўтказилган витамин А саплементациясининг 17-турида Хоразм вилояти бўйича 6 ойдан 1 ёшгача бўлган 16649 нафар бола ҳамда 1 ёшдан 5 ёшгача бўлган 134267 нафар болага витамин А ичирилди. Жами болаларга ичирилган қутилар сони 305 тани ташкил этди. Албатта, берилган витаминлар бепул бўлганлиги сабабли, барча ота-оналар, қолаверса, аҳоли давлатимиз, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда ЮНИСЕФ халқаро ташкилотидан мамнун бўлишди, – дейди Хоразм вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош педиатри Дурумбек Якубов.

Раъно ҲАСАНОВА.



Шеърят

ЭНГ БАРҚАРОР ТИНЧЛИК ҚўРҒОНИ!

Оиламиз улғу қўргондир,
Раҳнамози Ота ҳам Она!
Фарзандлари – жигарбандлари,
Атрофида кун-тун парвона!

Ўзбекистон оламда танҳо
Энг барқарор тинчлик қўргони!
Эли яшар бир оиладек,
Унга бошдир доно Сарбони!

Куш инида кўрганин қилар,
Фарзанд азиз одоби билан.
Ота-она, элу юртига,
Ёруғ юзи, офтоби билан!

Омон бўлсин оила боғин,
Боғбонлари, чароғбонлари!
Осмон қадар ўссин, юксалсин,
Ўзбекистон қиз-ўғлонлари!
Искандар РАҲМОН.



ЯНГИ ЙИЛ ТИЛАГИ!


Ажойиб бу фасл қиш оқшомида,
Эшик қоқиб келди, дўстлар Янги йил.
Баркамол авлодни ўстирдик мана,
Келажакка ишонч ортди янада.

«Тадбиркорлар йили» қолиб орқада,
Остонада турар «Мустаҳкам оила»!
Дилларга қувончу қалбларга шодлик,
Меҳр оқибату сабр қаноат,
Дўстларим келтирсин бизга Янги йил.
Кўнгиллар яйрасин тўлма паймона,
Ўйнасин, яйрасин, кулсин барча дил.
Армон билмай яшайлик бахтли замонда,
Янги кунда бахтга тўлсин барча дил!
Қувонч шод-хуррамлик келтир Янги йил!
Кексаларга имон, ёшларга умр,
Дастурхонга тўкинлик, файзу барака,
Элларга тотувлик келтир Янги йил,
Тўй қилсин, ош берсин халқимиз дея,
Эзгу ниятларим тилайман Сизга!

Фазилат ХАЛИҚУЛОВА,
Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар
малакасини ошириш ва ихтисослаштириш
республика маркази ўқитувчиси.



Янги йилда хонадонингизни меҳр-муҳаббат ва тўкин-сочинлик, бахту омад тарк этмасин!



Дил изҳорлари

ЧИН ҚАЛБДАН ЭЪТИРОФЛАР

Тахририятимизга Янги йил байрами арафасида кўплаб фуқароларимиздан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Икрамовга ҳамда улар раҳбарлигидаги республикамиз тиббиёт муассасаларида беморлар дардига малҳам бўлаётган шифокор ва ҳамшираларимиз номларига келган миннатдорчилик хатлари халқимиз саломатлиги йўлида фидойи меҳнат қилаётган тиббиёт ходимлари хизматига бўлган ҳурмат ва эҳтиромнинг ифодасидир. Мактубларда баён этилган дил изҳорларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Сурхондарё вилояти, Ангор тумани, «Сувоқава» ичимлик сув ишлаб чиқариш корхонаси бошлиқ ўринбосари Бибизар Дониёва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовга мактуб йўллаб, Ангор туманида истиқомат қилаётган оқсоқоллар Юртбошимиз кўрсатаётган ғамхўрликлардан миннатдор ва ҳамшира кўллари дуода эканини изҳор қилади. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг халқимиз саломатлигига бўлган эътибори боис, тиббиёт тизимида ҳам улкан ўзгаришлар бўлаётганлигини фахр билан тилга олади. Бунинг баробарида Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят марказий шифохонаси жамоаси, С. Салимов номидаги Жайронхона бош врачлари Б. Аҳмедов, Ангор туман марказий шифохона бош врачлари Ш. Давлатов ва унинг жамоаси меҳнатидан бутун вилоят аҳли мамнун эканлигини билдириб, уларнинг шарафли ишларида ривож, ўзларига эса соғлиқ, яхши кайфият ҳамроҳ бўлишини тилаб қолади. Ва яқинлашиб келаётган Янги 2012 йил билан чин дилдан қутлайди.

Шу жумладан, муаллиф Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Анвар Алимов номига ҳам Ангор туман марказий шифохонаси хирургия-терапия бўлимида шифо топган беморлар номидан мазкур бўлим жамоасига ўз ташаккурини билдиради.

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қора-қамиш-1/2-мавзеси, 3-Б уй, 13-хонадонда яшовчи Алижон Кўзиёвдан куйидагича ташаккурнома келган: тўсатдан турмуш ўртоғим Гулсара Илҳомованинг қорин соҳасида кучли оғриқ бўлиб, уни зудлик билан Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказига олиб бордик. Гулсаранинг касаллик ташхиси аниқлангач, марказнинг 1-экспериментал хирургия бўлимига қабул қилишди ва тезда операция столига олишди. Бажарилган хирургик амалиёт муваффақиятли яқунланди. Оилам ҳаётини сақлаб қолишда бор билим ва маҳоратини ишга солган бўлим бошлиғи Даврон Тўлаганов, врач-хирург Улуғбек Абдуғаниев ҳамда ҳамшираларга самимий миннатдорчилигини билдираман. Шунингдек, ана шундай қўли енгил, ўз касбининг устаси бўлган кадрларни етказётган Соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Икрамовга ҳам чексиз мамнунлигимни изҳор этаман ва барчаларини кириб келаётган Янги йил билан қутлайман!

Хоразм вилояти, Урганч шаҳридан 70 ёшни қарши олган Ортиқ ота Курбон бир неча йиллардан буён юрак етишмовчилиги касаллиги билан хасталаниб келар эканлар. Шу йилнинг май ойида пойтахтимиздаги В. Вхидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия марказининг юрак-ишемик касаллиги хирургияси бўлимида бир неча кун даволаниб, мураккаб операциясини бошларидан ўтказганликларини айтиб, бўлим мудири, тиббиёт фанлари доктори А. Мансуров, У. Аҳмедов, даволовчи кардиохирург С. Муртозаев, катта ҳамшира К. Оксана, ҳамширалар З. Аминова, М. Мамина, В. Цой, М. Атасян ҳамда кичик тиббиёт ходимлари Л. Салимжонов ва О. Барисенколарга чексиз миннатдорчилигини билдиради. Шу ўринда вазиримиз Адҳам Икрамовга самимий ташаккур изҳор этиб, улар раҳбарлик қилаётган соғлиқни сақлаш тизимининг барча ходимларига узоқ умр, масъулиятли ва шарафли ишларига омадлар тилаб қолади.

Навоий вилояти, Кармана шаҳри, Р. Қамбаров кўчасида истиқомат қилаётган I гуруҳ ногирони Акабой Бекназаров аввало, Юртбошимиз ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ногиронларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатидан хурсандлигини ўз мактубида баён этади. Шунингдек, Навоий шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиника ревматологи Бахтиёр Имомқулов, поликлиника бош терапевти Ибодат Абдуллаева, врач Муҳаббат Каримова, ҳамшира Зумрад Раҳмоноваларга чин юракдан раҳмат айтиб, барчаларига соғлиқ-саломатлик, хотиржамлик, машаққатли ишларида бардамлик тилаб қолади.

Тошкент шаҳри ва республикамиз вилоятларидан 2011 йил Хаж сафарига борган бир гуруҳ хожи ота ва оналар номидан М. Аҳмедова, С. Қўчқорова, М. Рўзиматова, Г. Жўраева, Х. Ражабова, С. Исоқов, Ж. Тошназаров ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов ҳамда Соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Икрамов номига мактуб йўллашган. Ушбу мактубларда Хаж сафарига борган фуқароларимизга Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан раҳбар этиб тайинланган шифокор Абдурахмон Зоҳидов бошчилигидаги, яъни республикамиз тиббиёт муассасаларида фаолият олиб бораётган 30 нафар шифокор ва ҳамшираларнинг кўрсатган тиббий хизматларидан мамнунликларини изҳор этиб, уларга чуқур миннатдорчилик билдирадilar. Мактуб сўнггида улар ана шундай Юртбошимиз борлигига шукроналар айтиб ҳамда халқимиз саломатлигини муҳофаза қилишда фидойиларча меҳнат қилаётган кўп сонли шифокорларга дуои салом йўллайдилар ва барчаларига эзгу тилаклар билдириб қоладилар.

Самарқанд вилояти, Пастдарғом туманида яшовчи II гуруҳ ногирони Замира Кўчқорова томонидан Соғлиқни сақлаш вазири номига куйидаги мазмунда ташаккурнома келган: қизим Фариданинг ҳомиладорлик даврида соғлиги ёмонлашиб, ҳаёти қил устида қолди. Уни дарҳол Пастдарғом туман марказий шифохонасининг туғруқ бўлимига олиб бордик. Бўлимнинг жонкуяр, билимдон акушер-гинекологларидан Бойназаров ва Курбонлар қизимга биринчи ёрдам кўрсатиб, она-болани соғ-омон асраб қолишди. Фарзандим ва набирамнинг оиласи бағрига қайтишида чақалоқлар бўлими бошлиғи З. Қодирова, «Соғлом авлод» хайри жағфармаси бошлиғи М. Абдуллаева ҳамда марказий шифохона бош шифокори Б. Сатторовларга таъзим бажо айлаб, улар ҳеч қачон эл назаридан қолмасликларини, шунингдек, масъулиятли ишларида янгича ютуқлар тилаб қолади ва уларни кириб келаётган Янги йил билан самимий муборакбод этади.

Сурхондарё вилояти, Шеробод туманида истиқомат қилувчи II гуруҳ ногирони Фани бобо Тангиров томонидан Соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Икрамов номларига куйидаги мазмунда эътирофли мактуб келган: ҳурматли Адҳам Илҳомович! Сизнинг раҳбарлигингизда олиб борилаётган изчил фаолиятлар туфайли Шеробод тумани аҳолиси, шунингдек, фертил ёшдаги аёллар тиббий кўрикдан ўтиши, саломатлик ҳафталиклари ва фарзандларимиз ўз вақтида эмланиши турли ҳамда юқумли касалликларнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу ишларда жонкуярлик билан меҳнат қилаётган Шеробод тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Ш. Раҳимов ҳамда врачлар Т. Суёнов, Г. Алланазаров, У. Аҳмедов, Б. Омонов, Б. Жиянов, Б. Бўроновлардан фуқароларимиз мамнун бўлишмоқда.

Кириб келаётган Янги йил сиздек фидойи шифокорларимизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик олиб келсин!

Я ветеран Второй мировой войны, 1922 года рождения. Хочу выразить благодарность врачам, пришедшим ко мне в непростой ситуации. Огромное спасибо заведующему хирургическим отделением Центральной консультативной поликлиники Учтепинского района А.Тухтаходжаеву, который, приехав ко мне, оказал квалифицированную помощь. Также огромная благодарность врачу-урологу Х. Курбанову и медсестре Е. Поляковой, очень надежно, когда рядом такие люди.

И. Кравцов, г. Ташкент.

Я проживаю в республике Беларусь. Приехав в Узбекистан, на свою вторую Родину, почувствовал сильный сердечный приступ. Приехавшие врачи скорой помощи Хамзинского района Атамурадов и Сулейманов оказали мне квалифицированную помощь. Огромное спасибо также врачам Республиканского научного центра экстренной медицинской помощи и Центральной больницы № 1 за их профессионализм, доброту и человечность. Покидая свою вторую Родину, прошу передать всем низкий поклон и глубокую благодарность от меня и моих родных.

Ю. Хорошун, г. Брест, Беларусь.

Я проходил лечение в терапевтическом отделении РКБ-1. Хочу отметить высокую квалификацию, отзывчивость и доброту зав. отделением Д. Аширматов, ст. медсестры З. Каримовой, медсестры Д. Тешабаевой, Е. Тилькириди и других. В отделении чистота и порядок. Спасибо всем сотрудникам, лечившим меня.

А. Лесняк, г. Ташкент.

Мне очень хочется поблагодарить врачей, которые лечили меня, относилась ко мне с большой отзывчивостью и добросердечностью. Спасибо им за профессионализм, умелый подход к нам, пациентам. Очень тепло становится на душе, когда рядом такие люди. Это гл. врач горбольницы ХБК М. Худиев, зав. хирургическим отделением З. Жалолов, лечащий врач Э. Каримов, профессор Б. Бабажанов, Л. Мухитдинов. Хочется пожелать им здоровья и успехов в труде на благо Родины.

М. Петросян, г. Бухара.

Коллектив редакции также поздравляет всех медицинских работников Узбекистана и их семьи с Новым годом и желает огромного здоровья.

СПАСИБО ЗА ЗАБОТУ И УЧАСТИЕ

Подходит к концу 2011 год, и нам очень хочется опубликовать письма с благодарностями, поступившие к нам в редакцию и расказывающие о медицинских работниках, пришедших на помощь.

Мы проживаем на Юнусабаде в г. Ташкенте. Здоровьем своим, к сожалению, похвастаться не можем, и тем важнее оказываемая нам медицинская помощь. Мы видим, что с каждым годом здравоохранение Узбекистана уверенно двигается вперед, вводя новые методики и разработки. От всей души поздравляем с Новым годом и приносим благодарность Атахму Ильхамовичу Икрамову, Анвару Валиевичу Алимову и его коллективу, Ибодат Джурраевне Соатовой, Б. Мамаджанову, Г. Кенжаевой, Н. Юнусовой, М. Алимджановой и всем медицинским работникам, стоящим на страже нашего здоровья.

Ю. Чиркунов, И. Гусякова, М. Закиров, З. Тухина и др., г. Ташкент.


Нам хочется рассказать о прекрасном враче-кардиологе У. Бахромове, работающем в областной больнице экстренной медицинской помощи г. Навои. Благодаря его высочайшей квалификации, вниманию к нам, больным людям, доброте и отзывчивости, которые очень помогают пациентам, мы вылеченные выходим из больницы. Хочется также отметить и труд ст. медсестры Х. Касимовой и М. Хушвахтовой. Дорогие наши спасители, огромное спасибо вам за возвращенное здоровье.

М. Шишкина, О. Морозова, г. Ташкент.

Мне 80 лет. Я хочу поблагодарить врача УЗИ У. Назарова, работающего в поликлинике № 8 Мирзо-Улугбекского района, который отнесся ко мне как к матери, очень хотелось бы, чтобы вокруг было больше таких врачей.

Н. Клещева, г. Ташкент.

2012 йил ҳар бир хонадонга фаровонлик, оилавий бахт олиб келсин!



Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллигига

ШАРАФ ВА МАСЪУЛИЯТ



Дунёда касблар хилма-хил бўлиб, унинг ичида Ватан ҳимоячиси деган ном шарафлидир. Зеро, Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташ фуқароларнинг нафақат конституциявий, балки инсонийлик бурчи, буюк шараф, масъулияти ҳамдир. Киндик қонинг тўкилган муқаддас азиз тупроқ – Ватанни кўз қорачигидек асраб-авайлаш – ўз оиласи, шаъни, ор-номусини ҳимоя қилиш демакдир.

Шунинг учун ҳам Ватанга бўлган сидқидил – меҳр-муҳаббатдан юксалади, эъзозланади. Маълумки, ҳар бир давлат мустақиллигини, аввало, ўша мамлакат армияси, Қуролли Кучлари ҳимоя қилади. Шу боис, истиқлолнинг дастлабки кунларидан, мамлакатимиз мудофааи давлат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири сифатида белгилаб олинди. 1991 йил 6 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. 1992 йил 14 январь кун эса, мустақил давлатимиз тарихида яна бир муҳим тадбирга қўл урилди – республикамиз ҳудудидаги барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларни Ўзбекистон тасарруфига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Юртбошимиз, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондони ташаббуси билан эълон қилинган мазкур тарихий ҳужжат мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солиш мумкин бўлган ва келиб чиқаётган хавф-хатарларни ҳар томонлама чуқур таҳлил этиш асосида армиямизни ислоҳ қилишнинг узоқ муддатли дастури ишлаб чиқилишига йўл очди. 1993 йилдан эътиборан 14 январь – Ватан ҳимоячилари кун деб эълон қилинди. Бу ҳақда Президентимизнинг «Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойиш-



та ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир», «Юксак маънавият – энгилмас куч», «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» номли асарлари, шунингдек, Тошкент шаҳридаги «Ватанга қасамд» монументи очилиши

маросимидаги нутқларида баътафсил сўз юритилгани масаланинг туб моҳияти ва аҳамиятини янада ойдинлаштиради.

Демокчимизки, ўтган йигирма йил мобайнида ҳаётга татбиқ этилган кенг қўламли ислохотлар, ҳарбий хизматга

тилган ҳар қандай тажовуз ҳамда фаразли уринишларнинг олдини олишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроқ, ҳарбий техника билан таъминланган, жанговар қобилият ва тайёргарликка эга, профессионал миллий армиямиз шаклланди. Қуролли Кучларимизни ташкил ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими вужудга келди. Улар сафини тўлдириш тақомиллаштирилди. Натижада армиямизнинг салоҳияти ва қиёфаси тубдан ўзгарди, ёшлар ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори, нуфузи ошди, армияда хизмат қилиш том маънода шон-шараф ишига айланди.

Ҳаётимизга янгича маъно, мазмун бахш этган бу бебаҳо неъматнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг ҳам қарзимиз, ҳам фарзимиздир. Чунки глобаллашув тобора шиддатли тус олаётган бугунги нотинч ва мураккаб замонда мамлакатимиз хавфсизлигини, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, истиқлол ҳар бир ҳарбий хизматчига ўз Ватанида, ўзининг миллий армиясида хизмат қилиш имкониятини берди. Бугун қайси ота-она билан сўзлашманг, фарзандининг армияга боришини истади. Чунки улар Қуролли Кучларимизда хизмат

қилаётган аскарнинг қандай қулай шарт-шароитда яшаётгани, армияда юксак жисмоний, ақлий ва интеллектуал салоҳият эгаллаши, ҳарбий хизматни намунали ўтаб қайтган ўғлининг ўқиш ёки ишга киришида кўплаб имтиёزلарга, алоҳида оталарча ғамхўрлик ва эътиборга эга бўлишини яхши билишади. Буни Юртбошимиз раҳбарлигида ҳарбийларга, уларнинг оила аъзоларига кўрсатилаётган ғамхўрлик, имтиёзли кредит, юртимизнинг турли ҳудудларида ҳарбийлар учун қурилган ва фойдаланишга топширилган қулай уй-жой ва бошқалар мисолида кўриш мумкин.

– Ватанимизни ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир, – деган эди Президентимиз ўзининг ҳарбийлар билан бўлган бир суҳбатда. Шу билан бирга Ватан ҳимоячиси аниқ бир касб бўлиб, унинг обрў-эътибори кун сайин юксалаётгани бежиз эмас. Бугун ёшларимиз ўртасида бу касбга нисбатан қизиқиш ортиб бормоқда. Чунки ёшларимиз Ватанини севади, уларнинг қалбида элу юртга муҳаббат ва садоқат туйғулари жўш уриб турибди. Шундай экан, ҳарбий хизматчиларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалалари доимо эътиборда бўлиши табиийдир.

Дарҳақиқат, бундай ғамхўрлик ва юксак ишончга муносиб фарзандларимиз, миллий армиямизнинг мустаҳкам таянчлари, катта жасорат соҳиблари – ҳарбийларимиз бор экан, Ватанимиз тинч ва осойишта, осмонимиз мусаффо бўлишига имонимиз комил. Миллий армиямиз мустақил юртимиз ёрқин келажаги, халқимиз фаровонлигининг ишончли кафолатидир.

**Искандар РАҲМОН,
Қуролли Кучлар
фахрийси.**

Семинар

ЖАМОАТЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ФИКРИ: МУҲИМ ОМИЛ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясида «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази уюштирган давлат, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокидаги семинар «Жамоатчилик фикрини шакллантиришни ўрганишнинг долзарб муаммолари» мавзусига бағишланди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг вице-президенти Баҳромжон Абдухалилов кириш сўзи билан очиб, «Ижтимоий фикр» марказининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»ни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида мамлакатимизни модернизация қилиш ва ижтимоий ҳамкорликни ривожлантиришнинг янги босқичига эришишда Ўзбекистонимиз ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки: бугунги ҳолат ва истиқболдаги вазифалар бўйича жамоатчилик фикрини шакллантириш борасидаги саъй-ҳаракатларига юқори баҳо берди ва унинг кейинги 10 йил ичида амалга оширган ишлари мустақил Ўзбекистон ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётганлигига эътибор қаратди. Юртбошимиз томонидан 2012 йил «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинган муносабати билан марказ яна янги ижтимоий сўровлар ташкил этиб, соҳалар мутахассисларига зарур таҳлилий материал-

ларни етказиб беради деб ишонч билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қошидаги Давлат ва жамият қурилиши академияси профессори Муқимжон Қирғизбоев ва «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори ўринбосари, профессор Озод Ата-Мирзаевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асари асосида Ўзбекистонда жамоатчиликнинг ижтимоий фикри ривожланишига бағишланган маърузалари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Музокаралар чоғида кун тартибида кўтарилган масалаларнинг ниҳоятда долзарблиги ва улар борасида эндиликда кенг қамровли ижтимоий сўров ва мониторинг ишларини олиб боришга бел боғлангани айни муддаолиги алоҳида таъкидланди. Зеро, бугун нодавлат ва нотижорат ташкилотлари фаолиятида ушбу таҳлиллар ўта долзарб. Агар ташкиллаштирилаётган учрашувлар аввалида Олий Мажлис Сенати ва Қўмиталари, «Ижтимоий фикр» марказидаги тадқиқот ва мониторинг натижалари бўйича жамланган кенг қамровли материаллардан унумли фойдаланилса, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда қонунларимиз ижроси бўйича аҳоли ва кенг жамоатчилик савияси ошишига эришилади, албатта.

Бу борада мамлакатимиздаги етакчи олимлардан профессор Бахтиёр Каримов ва бошқаларнинг мавжуд муаммоларни ечишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқа-

риш органлари фаоллигини ошириш долзарб масала эканлигига алоҳида эътибор қаратилди, жумладан, йиллар давомида амалга ошириб келинаётган «Жамоатчилик эшитувлари» тадбири илғор тажрибалардан бири эканлиги таъкидлаб ўтилди.

«ЭКОСАН» халқаро хайрия экология ва саломатлик жамоатчилик фонди бошқаруви раиси ўринбосари Комилжон Жўраев «Ижтимоий фикр» маркази билан бирга ўтказилган ижтимоий сўров натижасида чоп этилган «Экология ва саломатлик жамоатчилик фикри нигоҳида» китоби, яқинда ижтимоий сўров тугаланиб, нашрга тайёрланаётган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда экологиянинг ўрни» рисоласи, 2012 йилга режалаштирилаётган «Мустаҳкам оиланинг шаклланишида экологик онг ва маданиятнинг ўрни» ижтимоий сўрови каби тадқиқот даражасидаги материаллар бугун давр тақозоси билан кўникма ҳосил қилинган амалиётлардан унумли фойдаланишда муҳим манба бўлиб хизмат қилишини айтиб, ўз фикрларини билдириб ўтди.

Ушбу семинарни олиб борган марказ раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги Раъно Убайдуллаева тавсия ва маслаҳатлар учун ташаккур изҳор этган ҳолда, қатнашчиларни навбатдаги тадбирларда ҳам иштирок этишга чорлаб, барчани Янги йил билан муборакбод этди.

**Миркарим МИРСОВУРОВ,
«ЭКОСАН» халқаро жамоат фонди
Жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи.**

Билиб қўйган яхши

ЯНГИ ЙИЛНИ КИМ БИРИНЧИ КУТИБ ОЛАДИ?

Янги йил. Уни қувонч билан кутиб олмаган дунё мамлакатлари халқлари бўлмаса керак. Шундай экан, ҳар бир давлат Янги йилни ўзгача шодлик ва кўтаринки кайфият билан нишонлайди. Ҳаммамиз учун орзиқиб қутилган Янги йилни ким биринчи кутиб олиши ҳар биримизни қизиктириши табиий.

Демак, Россиянинг шимол-шарқий чеккаси – Чукотка ярим оролида истиқомат қилувчи одамлар ер қурраси бўйича биринчи бўлиб Янги йилни кутиб олишар экан.

Чукоткаликлардан икки соат кейин японлар, 5 соатдан сўнг мўғуллар, вьетнамликлар, 7 соат ўтгач тошкентликлар, 10 соатдан кейин москваликлар, 12 соат ўтгач французлар, инглизлар, 17 соатдан кейин эса Нью-Йорк ва Вашингтоннинг аҳолиси қувонч ва шодиёна, эзгу ниятлар билан кутиб олишлари ҳар йили одатга айланган.

**Турсунхўжа
АЗЛАРХОНОВ,
халқ таълими
фидойиси ва аълочиси.**

Янги йилда дастурхонингизга файзу барака, мустаҳкам соғлик тилаймиз.



Советы специалиста

МЕТЕОЧУВСТВИТЕЛЬНОСТЬ И ЗДОРОВЬЕ

Многие, особенно дети и пожилые люди, болезненно реагируют на смену погоды. Незадолго до нестерпимого ненастья или зноя, у одних начинаются ломота в суставах, насморк, бронхит, кашель, у других повышается температура тела, болит голова, у третьих – скачет давление, болит горло, беспокоит сердце. Большинство людей с наступлением смены погоды (осень-зима, зима-весна, весна-лето, лето-осень) ощущают беспричинную грусть, тоску, уныние, а некоторые впадают в настоящую сезонную депрессию.

Особенно далеко не радужную перспективу дополняет ненастная осенняя погода с ее затяжными дождями, слякотью, пронизывающими ветрами, утренними и вечерними похолоданиями. К тому же установлено, что поздней осенью снижаются функции многих внутренних органов – мочевого пузыря, почек и надпочечников, развиваются всевозможные воспалительные процессы, заболевания придатков и желчного пузыря, прогрессируют заболевания суставов, наблюдаются сбои в работе органов пищеварения, сердца, возникают нервные расстройства. Все это отражается на нашем самочувствии. Однако порой причиной осенних недомоганий являются вредные привычки (злоупотребление спиртными напитками, курение, переизбыток и др.). Солнце садится все раньше, а день становится все короче. Отмечено, что осенью люди чаще болеют, причем не только простудными заболеваниями. То, что климат, погода влияют на человека, известно давно. Еще в Древней Греции Гиппократ регулярно проводил метеорологические наблюдения и впервые отметил сезонное чередование обострений различных недугов. В своих книгах об эпидемических заболеваниях описание каждой болезни он начинает с влияния на нее метеорологических условий. То, что наш организм реагирует на погодные встряски, – совершенно нормально, считают ученые. Вопрос, как сильно и адекватно это бывает. По их мнению, следует выделить три основных вида таких реакций:

1. Собственно метеочувствительность. Вполне здоровые люди испытывают дискомфорт при перепадах атмосферного давления, влажности воздуха, температуры и солнечной активности. Метеочувствительны примерно 85% людей. Обычные симптомы: слабость, головные боли, сонливость, озноб. Но погода не вызывает острых реакций – идет обычная биологическая перестройка систем организма.

2. Метеопатия или метеозависимость. При ней у человека даже незначительные погодные колебания могут вызвать проблемы. Различают три основных группы метеопатов: люди с хроническими заболеваниями сосудов и сердца, суставов, астматики; люди с

психическими заболеваниями; также нередко метеопатия становится спутницей перенесших травму головы, какое-то шок-состояние, клиническую смерть.

3. Метеоневроз. Разновидность невротического расстройства, когда человек при перепадах погоды действительно чувствует себя ужасно (раздражительность, плохое настроение, одышка, сердце колотится, голова кружится), а реальные показатели здоровья (давление, сердце, температура и прочее) – в абсолютной норме. Развивается метеоневроз либо на фоне внутренних психических сбоев, либо у слишком впечатлительных граждан, помешанных на геомагнитных прогнозах.

У каждого – свои неблагоприятные дни. Люди с разными заболеваниями реагируют на разные погодные факторы. Практически у всех метеозависимых в неблагоприятный для них период в крови возрастает количество лейкоцитов. Вообще количество белых кровяных телец у нас подскакивает при воспалении и инфекциях. То есть организм метеопатов защищается от погоды всерьез, как от реальных болезней. Приводим некоторые примеры из практики медиков. По данным ученых для страдающих ишемической болезнью сердца, астмой злейший враг – низкое содержание кислорода в воздухе, условия так называемой «погодной гипоксии». В такие дни, по многолетним наблюдениям «скорой», в три раза увеличивается число вызовов от сердечников. Также сердечники болезненно реагируют на резкое похолодание, а гипертоники хуже переносят безветренную жару. Гипертоников и гипотоников беспокоят резкие перепады атмосферного давления. Люди с заболеваниями суставов, опорно-двигательного аппарата, а также с хроническими бронхитами, как правило, плохо переносят сильную влажность. Обострение же психических нарушений приходится на очень ветреные дни. Маленькие дети особенно беспокойно и плаксиво ведут себя в дождливую погоду. Страдающие болезнями щитовидной железы, а также женщины во время климакса обычно неважно себя чувствуют, когда на улице туман. Резкое попадание из холода в тепло может вызвать обострение хронических инфекций, а устойчивое похолодание, наоборот, притормозит ост-

рые воспаления и повысить иммунитет. Потепление погоды у страдающих мигренями нередко провоцирует острые приступы головных болей. В дни повышенной солнечной активности, усиливающейся в дни полнолуния, у некоторых людей расстраивается адаптация, возникает слабость, обостряются хронические болезни, растет число инфарктов миокарда, инсультов, нарушаются внутренние биологические ритмы, увеличивается число автодорожных аварий и т.д.

Важное значение в эти дни проявляют профилактические меры:

– **соблюдение щадящего режима** – опасны физические перенапряжения, утомительные тренировки, соревнования, тяжелый физический труд, перелеты на самолетах и т.п.;

– **в питание желательно вводить больше микроэлементов** – калия, магния, меди, йода, то есть повысить потребление печеной картошки, гречки, яблок, моркови, изюма, рыбы, ржаного хлеба, гороха, фасоли, компота из сухих фруктов; при гипертонии необходимо употребление настоек боярышника, пустырника, валерьяны, майского ландыша, мяты и пиона, а при гипотонии – экстракта золотого корня, китайского лимонника, элеутерококка, кофе и др.;

– **при ослаблении выделения пищеварительных соков в желудке и кишечнике** (обычно полнолуние в сочетании с магнитной бурей) рекомендуется утром и в обед вводить в рацион белки и жиры, перед едой принимать стимуляторы –

соки свежих овощей и фруктов, подсоленную воду, минеральную воду, лимонную кислоту, семидневный настой чайного гриба.

Ряд ученых высказывает мнение, что причиной развития болезненных реакций на смену погоды является общая и местная атмосферная циркуляция, обуславливающая смену воздушных масс и прохождение атмосферных фронтов (теплого, холодного, смыкания теплого и холодного воздуха), которые занимают пространство от 5 до 10 км.

Заметно реагируют больные на снижение количества кислорода, как бывает при циклоне, характеризующемся низким атмосферным давлением. К тому же к циклону, как правило, присоединяется фронт теплого воздуха, вследствие чего в нем еще более снижается количество кислорода. При выраженном дефиците кислорода усугубляется кислородная недостаточность у больных, страдающих сердечно-сосудистой и легочной недостаточностью. По утверждению ученых, если фронт холодного воздуха сочетается с высоким атмосферным давлением, количество кислорода в воздухе сильно повышается и в организме начинают преобладать спастические (сосудосуживающие) реакции. Это ощущают страдающие гипертонической, желчнокаменной, мочекаменной болезнями, спастическим колитом. У них в такие дни повышается вероятность возникновения болевых приступов.

ПОЛЕЗНЫЕ СОВЕТЫ СПЕЦИАЛИСТОВ-МЕДИКОВ:

1. В случае резкого изменения погоды метеочувствительным больным следует ограничить двигательную активность, постараться избежать дополнительных физических (психозащитных) нагрузок. Рекомендуется воспользоваться назначенными врачом лекарствами.

2. При начальных проявлениях спастических реакций (повышение артериального давления) надо сделать самомассаж шейно-плечевого пояса, горчичные ножные ванны, поставить горчичники на затылок. Можно принять препараты, успокаивающие нервную систему, настойку валерианы, пустырника, а также средства, понижающие артериальное давление.

3. И главное, незаикливаться на «неблагоприятных прогнозах», не прислушиваться к себе поминутно: ой, сейчас что-то заболит. И, конечно же, важно выспаться. Доказано, что собственный поломанный биоритм повышает метеочувствительность в 3 раза.

4. Если в воздухе мало кислорода, как это бывает при потеплении и сопровождающем его низком атмосферном давлении, страдающие сердечно-сосудистыми, легочными заболеваниями должны совершать более длительные прогулки на воздухе. Полезна лечебная гимнастика, особенно дыхательные упражнения. Заниматься по совету лечащего врача несколько раз в день.

5. Если появляется сезонная боль в суставах, принимайте витамины группы В, которые улучшают питание нервных корешков и хрящевых поверхностей суставов, а также препараты кальция.

Сафар МУХАММАДИЕВ, доцент.

Ижтимоий ҳимоя

ТИББИЙ-ИЖТИМОИЙ ЁРДАМ

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустақамлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда ногиронлик гуруҳини белгилашда меҳнатга лаёқат эмас, балки ҳаёт фаолиятининг чекланиши асос қилиб олиниши ногиронларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилмоқда.

Беморларни даволаш ва назорат қилиш орқали ҳудудда ногиронлики камайтиришни асосий вазифаларимиздан бири деб биламиз. Жамоамиз мазкур йўналишдаги ишларни кучайтириб, жорий йилда ижобий натижаларга эришиб, бирламчи ногиронлик 12 нафарга, қайта ногиронлик 357 нафарга камайди.

Республикамизнинг тиббий меҳнат эксперт соҳасига оид ҳужжат ва қарорлари, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг йиғилиш қарор ҳамда буйруқлари билан таъинлиб, ходимлар ўртасида, шунингдек, Қарши шаҳри, Косон ва Нишон туманлари шифохона ва поликлиника шифокорлари билан се-

минар ўтказилди.

Қарши шаҳридаги минтақавий реабилитация марказида ногиронлар тиббий-ижтимоий, касбий реабилитация қилиниб, даволашнинг янги усуллари қўлланиши, замонавий тиббий аппаратуралар билан жиҳозланганлиги, ижара пунктларининг ташкил этилганлиги, юқори малакали мутахассислар борлиги ногиронларни реабилитация қилишда ижобий натижалар бермоқда. Жумладан, реабилитация марказига 149 нафар ногирон юборилиб, уларнинг 99 нафари қайта ТМЭК кўригидан ўтказилиб, 38 нафари реабилитация қилинди.

Тиббий муассасалар ногиронларни яқка тартибда реабилитация

қилиш дастурининг бажарилиши ТМЭК врачлари томонидан назорат олиниб, аниқланган хато ва камчиликлар поликлиника врачлари билан муҳокама этилмоқда.

Жойлардаги бандликка кўмаклашиш марказлари билан ҳамкорликдаги ишлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Қарши шаҳри, Косон ва Нишон туманлари бандликка кўмаклашуви марказларга жами 112 нафар 3-гuruh ногиронлари рўйхати ишга жойлаштирилди, 26 нафарига касб ўрганиш учун ўқишга тавсиялар берилди.

Албатта ҳар бир фаолиятнинг изчиллик билан олиб борилиши ва унга жиддий ёндашув ишлар самарадорлиги ошишида муҳим аҳамият касб этади.

Аброр МАМАТОВ,
Қарши туманлараро
34-сонли ТМЭК аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги вазирнинг биринчи ўринбосари Анвар Валиевич Алимовга падари бузруквори

Вали АЛИМОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмаси Марказий Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Анвар Валиевич Алимовга падари бузруквори

Вали АЛИМОВнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари, газета Бош муҳаррири Анвар Валиевич Алимовга падари бузруквори

Вали АЛИМОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази жамоаси марказ поликлиникаси раҳбари Ойсара Қўшоқовна Мираҳмедовага волидаи муҳтарамаси

МУСАЛЛАМ аянинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги
юртимиздаги тиббиёт ходимлари
ва азиз халқимизни

Янги – 2012 йил

билан самимий
муборакбод этади!

Тинчлик ва хотиржамлигимиз
бардавом бўлиб, мамлакатимиз
бугунгидан-да юксак тараққиёт
чўққиларига кўтарилаверсин.
Халқимиз саломатлиги йўлидаги
ишларингиз ривожини
баланд бўлсин!

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир Анвар АЛИМОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «f» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 6059 нусха.
Буюртма Г-1245.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табак. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ. Навбатчи Владимир ПОЖОГИН.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

